



Ishonch

Моҳият

Ўз меҳнати, ақл-заковати ва салоҳияти билан ўзини ўзи боқадиган, ўзини ҳимоя қилишга, келажагини ўз қўли билан қуришга қодир бўлган халқни жаҳон аҳли эътироф этади.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Шукрона

Ватан сўзини шунчаки айтиб бўлмайди. Улуғвор ва жарангдор бу сўз ҳар гал тилимга кўчаётганда ҳаяжонланаман. Беихтиёр «Умрим давомида Ватанимга нима бера олдим?» деган саволга жавоб топишга уринаман.

Ватанимни куйлаб чарчамасман

Телемдан нолимайман. Икки халқнинг сеvimли ўғлига айландим. Муҳлисларим, ҳамкасбларим, шоғирдларим қорақалпоқ санъатини юксакларга кўтарганини эътироф этишади. Балки шумикан, Ватанимга нимадир берганим? Санъаткорнинг ватанпарварлиги фақат Ватанини сеvimида эмас. У ўз қўшиқлари орқали элдошларини ҳам халқларварга айлантира олмоғи лозим. Бугун она Ўзбекистондаги юксалишларни, шу жумладан, қорақалпоқ заминидagi мисли кўрилмаган бунёдкорликни кўриб, биз санъаткорлар ҳам ушбу қутлуг жараёнда озми-кўпми ҳиссамиз борлигидан фахрланишга ҳақимиз.

Мустақиллик туфайли шахру қишлоқларимиз обод бўлди. Қадриятларимиз тикланди. Санъатимиз, маданиятимиз ҳам юксалганини эътироф этмасликнинг илоҳи йўқ. Кўз тегмасин, одамларнинг ўзаро муносабати, муомаласи яхшиликка томон ўзгарди. Меҳр-оқибат мустаҳкамланди.

Баъзан одамлар «Етмиш йиллигини нишонлаётган Байрам Матчоновнинг қирчиллама йигитга ўхшашининг сабаби нимада?», деб сўрашади мендан. Бу Ватанимга, халқимга бўлган меҳр-муҳаббатим туфайли ва ушбу меҳрим ҳуқуматимиз, элдошларимиз томонидан ўн чандон, юз чандон ортиб ўзимга қайтаётганидандир. Шу ўринда Юртбошимиз, ҳуқуматимиз томонидан санъатга берилётган эътиборнинг юксаклиги республикамизда ижод билан шуғулланаётган, ўзини истеъдод соҳиби деб билган барча соҳа ходимларини руҳлантириб, чексиз илҳом бахш этаётганини яна бир қарра таъжидлаб ўтишни истардим. Ушбу меҳрдан қорақалпоқ санъаткорлари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Мустақилликнинг 19 йиллиги арафасида Тенелбой баҳши Қаллиев «Ўзбекистон Республикаси халқ баҳшиси» унвонига мушарраф бўлди. Меҳнати, иқтидори давлатимиз томонидан баҳоланиб, юксак унвон, мукофотлар билан тақдирланган қорақалпоқ санъаткорлари рўйхатини санайман десам, юзга чамалаб қолиши аниқ. Шулардан бири ўзимман. Бу эътибор, зиммамизга масъулият ҳам юклармоқда. Энди шунчаки куйласак, сўз айтсак жоиз эмас. Ҳар бир нафасимизда Ватан акс этмаса, тингловчи меҳр-оқибатни ҳис қилмаса, куйлапмиз деёлмаймиз. Санъатимиз халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмаса, санъаткоримиз деб кўкрак кертганимиз бекор.

Эътироф этиш жоизки, Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакилиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда аҳолига маданий хизмат кўрсатиш, оммавий тадбирларнинг сифатини яхшилаш, миллий урф-одатлар, қадриятларимиз асосида халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Бугун санъаткорларимиз Кўнғирот ёки Тўртқўлда санъатини намойиш қилишлари қанчалар оддий бўлса, Францияда ёки Японияда концерт бериш ҳам шундай бир ҳолатга айланиб бормоқда. Бошқарароқ айтганим бўлсам, ўн йиллар олдин фалончи санъаткор чет элда концерт берибди деса, ростданми дея ҳайрон бўлардик. Ҳозир бундай ҳушхабарни эшитсак, «Албатта, бериши керак-да, ахир бизнинг санъатимиздай буюк санъат борми?» дейимиз. Бу, ўз навбатида, муҳтарам Юртбошимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам», деган сўзларининг амалдаги бир кўриниши, ҳолос.

Байрам МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, «Эл-юрт хурмати» ордени нишондори, Давлат мукофоти совриндори, Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили

Ҳисор тоғларини кесиб ўтган, денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда бунёд этилган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли, мана, уч йилдирки узлуксиз фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилмоқда.



Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар



Тараққиёт сари

Бир юз эллик минг аҳоли истиқомат қиладиган Жиззах шаҳрини бугун том маънода гуллар оғушидаги шаҳар дейишмоқда. Боғу хиёбонлар, муҳташам ва кўркам бинолар салобати эътиборингизни тортади.

Истиқлолдан яшнаган Жиззах

«Осиё тараққиёт банки» ҳамкорлигида шаҳарни ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси асосида 4,9 млн. доллар маблағ ўзлаштирилиб, 119,1 км. сув тармоқлари қайта қурилди. 7 та сув узатиш иншоотида насослар созилди. Бу эса аҳолига бир кеча-кундузда 76 минг куб метр сув етказиб бериш имконини яратди.

Вилоятга қиритилган хорижий инвестиция ҳажми ўтган йили 18 млн. АҚШ долларини ташкил этган эди. Жорий йилда ҳудудий инвестиция дастури асосида 10 корхонага 30 млн. АҚШ долларини миқдорида инвестиция жалб этилмоқда. Яқинда Жиззах шаҳрида «Jizzax elite royabzal» кўшма корхонаси ишга тушди. Йилгига 144 минг жуфт эркак ва аёллар пойабзали тайёрлаш қувватига эга корхонада 28 та янги иш ўрни очилди.

Хориж инвестицияси иштирокида Галлаоролда бўёқ, Арнасойда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, Бахмалда мева-сабзавотни, Пахтакорда жунни қайта ишлаш корхоналари фаолият бошлади. Жиззах шаҳридаги «Буюм бозори» ҳамда «Кўк бозор» реконструкцияси ниҳоя-

сига етди. Автошоҳбекат тўлиқ реконструкция қилинмоқда. Замонавий лойиҳалар асосида, дастлаб Бахмал, Галлаорол, Жиззах туманларининг ҳар бирида 20 тадан 4,5,6 хонали уй-жойлар қурилиб, 60 оила кўчиб ўтди. Жорий йил 12 та қишлоқ туманларида яна 325 та турар-жой қурилмоқда. Истиқлол байрами арафасида 130 оила янги уйларга жойлашди.

Бундан ташқари, Дўстлик туманида 150 ўринли мусиқа мактаби фойдаланишга топширилган бўлса, Бахмал туманидаги Узунбулоқ қишлоғида 216, Гулбулоқ қишлоғида 315 ўринли янги мактаб бинолари қад ростланди. Дала шийпонларини намунавий лойиҳа асосида қуришга, айниқса, Пахтакор туманида алоҳида эътибор қаратилган. Ж.Салаев, Р.Ҳўжамуродов етакчилиги қилаётган фермер ҳўжалиқларида 135 млн. 596 минг сўмлик маблағ эвазига ана шундай замонавий дала шийпонлари фойдаланишга топширилди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Бунёдкорлик

Кўкда ҳам, ерда ҳам норлар Самарқанд

ўрни яратиш имконини берди. Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури ва иқтисодий инқирозга қарши ишлаб чиқарилган қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли 45 минг 850 та иш ўрни яратилди. Жон бошига даромад ўртача 367,4 минг сўмни ташкил этмоқда.

Вилоят марказида лойиҳа қиймати 5,5 миллион долларлик, ишлаб чиқариш қуввати йилгига 3 минг тонна ип-калава маҳсулотни тайёрлашга мўлжалланган «Дақа текс» корхонаси ишга туширилди. Йил бошида иш бошлаган «Жомбой вахови» корхонасининг шуҳрати кун сайин ошмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда улкан ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Жомбой туманидаги Урта қишлоқ, Пастдаргомадаги Галатут, Пахтачи туманидаги Зиёвуддин қишлоқларида 60 та намунавий лойиҳа асосида уй-жой қурилди. Бан-қлар томонидан янги уй эгаларига 2 миллиард 260 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди.

Бу йил ҳам шу йўналишдаги ишларга катта рағбат берилди. 14 та туманда махсус лойиҳа асосида 650 та уй-жой қурилиши олиб борилапти. Йил бошидаги қишлоқдаги 127 та, Пастдаргома тумани Лозаров массивида 80 та, Самарқанд туманидаги Янгиарик қишлоғида 73 та замонавий уй қурилади.

Таъкидлаш жоиз, қурилиш асосан маҳаллий шароитда тайёрланган хом ашё ҳисоби-га амалга оширилмоқда.

Собир ЖАББОРОВ,
тадқиқотчи

Янги Кун Янгиликлари

Андижон вилоятининг Олтинқул туманидаги Оқтепа қишлоғида жойлашган собиқ «Олтин дери» корхонаси ўрнида «Андижон чарм» МЧЖ фаолият бошлади.

Корхона иш бошлади

Вилоят «Миллий банк» филиали кўмаги билан ишга туширилган корхонада терини ошлаш ва хром маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкони яратилди. Айти пайтда бу ерда 1000 дона қўй ва 200 дона мол териси қайта ишланмоқда. Ишчи-ҳодимлар ижтимоий муҳофазага олиниб, Бепул иссиқ овқат ташкил этилаётир. Корхона маъмурияти фирма дўконлари очиб ва Туркия, Покистон, Хитойдаги ҳамкорлар билан шартнома тузиб, маҳсулотни экспорт қилиш тадоригини кўрмоқда.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Узун туманидаги «Мезон-зиё» савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Муҳаббат Зиёева-нини гишт заводи қуриш ҳақидаги ташаббуси туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланиб, тадбиркорга «Агробанк» филиалидан 150 млн. сўм кредит ажратилди.

Кредит ҳисобига

400 млн. сўм маблағ эвазига Хитойдан соатига 7 минг дона гишт ишлаб чиқарадиган технология келтирилиб, «Чинор» маҳалласида янги гишт заводи барпо этилди. Натижада, 30 нафар ёш ишли бўлди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Гурлан туманидаги Бозорбой Раҳимов бошлиқ «Бозор» фермер ҳўжалиги қошида қайта ишлаш корхонасида қандалот маҳсулотлари тайёрлашда зарур бўладиган бирикма — крахмал хом ашёси (паткаси) ишлаб чиқариш чеҳи ишга тушди.

Сахтиёнда янги цех

Шу асосда «Ирис» конфетини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хориждан келтирилган, суткасига бир тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур технология сарфланган харажатларни бир йилдаёқ қоплайди. Шунингдек, мева-сабзавот қайта ишланиб, 200 минг банка маҳсулот тайёрланмоқда.


С.САФОЕВА

Урганч шаҳрининг Амир Темури номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ковун сайли ва табиат инъомлари» байрами ўтказилди. Унда воҳа далалари ва боғларида этиштирилган сабзавот, полиз, боғдорчилик маҳсулотлари намойиш қилинди.

Ковун сайли

Ҳазорасп олмаси, Урганчнинг минг дардга шифо анжири, Хива анорлари-ю тилларанг узумлари, Гурлан тарвузлари кўзни қувнатди. Тадбирда воҳанинг кўзга кўринган санъаткорлари иштирок этиб, куй-қўшиқ ва рақслари билан қатнашчилар қалбига хушнудлик бахш этишди.

Гавҳар РЎЗИМОВА,
вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази ходими



Ўн тўққиз йилдирки, кўҳна Самарқандда тўй устига тўй. Буюк бобомиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан бошланган бунёдкорлик йилдан-йилга кучайиб бормоқда... «Шарқ тароналари»га мезбон бўлган қадимий шаҳарда Соҳиб-қирон бобомизнинг 660 йиллиги, шаҳарнинг 2750 йиллик тантаналари нишонланди. Халқимизнинг фахри бўлган Имом Бухорий, Мотурудийдек аждодларимиз мажмуалари барпо этилди. Шоҳи Зинда, Регистондаги бунёдкорлик нафақат юртдошларимиз, узок улалардан ташриф буорувчи сайёҳлар ақлини ҳам лол этапти. Ниҳоят, самодда кашф этилган янги сайёрага Самарқанд номининг берилиши ҳам кўччиликнинг қувончига сабаб бўлди.

Истиқлолдан баҳра олиб яшарайтган Самарқандда кунда бир янгиликка қўл уриллапти, десак муболага эмас. Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар, санаот корхоналарини модернизация қилиш ўз самарасини берапти. Вилоятда шу йилнинг олти ойи мобайнида янги ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 фоизга ўсгани кузатилди. Чукүрроқ таҳлил қилганимизда, санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш 16,2, қишлоқ ҳўжалиги 6,6, қурилиш пудрат ишлари 31,2,

чакана савдо 13,2, пуллик хизмат 9, аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг 20,1 фоизга ўсганини эътироф этиш мумкин. Санаот ҳудуд салоҳиятини белгилайди. Шу боис иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий барқарорликка эришиши чоралари белгилаб олинган. Шу йўналишдаги ҳудудий дастуруга мувофиқ 142 та лойиҳа ишга туширилиши кўзда тутилган эди. Аслида эса 151 та лойиҳа амалга оширилиб, 31,6 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилди. Бу 2419 та иш

Касаба уюшмалари ҳаётинда

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

Юртимиз тараққиётида Сурхондарё вилоятининг тутган ўрни алоҳида. «Тошғузур-Бойсун-Кумқўрғон» темир йўлининг ишга тушганлиги воҳа иқтисодийтини янада мустаҳкамлади. Ана шу омил туфайли бойсундаги Тўда қонида брикет фабрикаси, Хонжида қонида ярим металл хом ашёсини қайта ишлайдиган корхона, «Шингдон-Спиннинг-Термиз», «Сурхон-Термиз-Силк», «Сурхонғиштқурилиш» каби қатор йирик қўшма корхоналар ташкил этилди.

Чирой очаётган Сурхон

Яқинда буюк аллома Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳи мажмуаси қайтадан бунёд этилди. Қадимий қўрғонга кириш жойидаги дарвоза минг йил бурунги ҳолатга келтирилди. Шунингдек, ўн минг томошабинга мўлжаллаб қурилаётган ўйингоҳ ҳамда замонавий «Бахт уйи» мажмуаси, барпо этилаётган кўркам қишлоқ қўрғонлари Сурхон заминига ўзгача чирой бағишлайди.

Давлатга бу йил 1400 тонна пилла, 250 минг тоннадан ортқ дон етказиб берган воҳа миришкорларининг нияти янаям улкан. Эришилётган зафарларнинг барчасида инсонга наф келтиришни олий бахт деб билган касаба уюшма ва 483 минг нафардан зиёд аъзонинг муносиб улуши борлиги кишида фахр уйғотади.

Фаолиятимиз амалда сигналган жамоа келишувлари ҳамда шартномалари билан уйғун эканлиги ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Кези келганда вилоят ҳокимлиги ҳамда савдо-саноат палатаси худудий бошқармаси билан амалий ҳамкорлигимиз ривожланаётганини, бунда 2009-2011 йилларга мўлжалланган минтақавий келишувнинг ўрни бекиб қилиниши таъкидлашни истардим. 1 та минтақавий, 17 та вилоят, 27 та шаҳар ва туман келишуви ҳамда 5743 та жамоа шартномасининг аксарияти экспертизадан ўтказилган бўлиб, уларга замон талабидан келиб чиқиб зарурий қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Касаба уюшма ташкилотининг кафолатлари, иш берувчининг масъулияти аниқ ва равшан кўрсатилибгина қолмай, амалда ҳам ушбу долзарб масалага жиддий эътибор қаратиляпти.

Уч муҳим йўналиш — бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда қулай меҳнат шaroити яратиш устувор вазифаларимиз қаторига киради. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 6 апрелдаги қарори ижросини таъминлаш бўйича қарийб ўн мингдан зиёд хонадонда бандлик соҳасида мониторинг ўтказдик. Салкам 8 минг фуқарога доимий ишлашга

йўлланма берилишида бошқош бўлди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси билан қўшма қарор асосида шахсий хўжаликларда қорвчиликни ривожлантириш, корхона-ташкilot ва ўқув масканларида ёрдამчи хўжаликлар, цехлар ташкил этишга жиддий аҳамият берилляпти. Ҳар йили юзлаб хонадонларга бепул қорамол тарқатаёلمиз.

Касаба уюшмалари қанчалик кучли бўлса, иш ўринлари шунчалик хавфсиз бўлади. Манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда аёллар меҳнатини муҳофаза қилишга бағишлаб ўқув семинари, меҳнат муҳофазаси бўйича кўриктанлов, худудий мулоқотлар ташкил этмоқдамиз.

Меҳнат ахли, айниқса, келажакимиз ворислари — ёшларнинг дунёқарашини ўстириш, миллий қадриятларимизни улуглаш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш ҳамда Ватанимизда жадал олиб бoриляётган туб ислохотларнинг моҳиятини оммага етказиш доимий эътиборимизда. Ишчи-ҳодимлар, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳам ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши бўлиб, ҳар йили мавжуд 9 та оромгоҳда 10 минг нафардан зиёд бола дам олдирилади. Умумхалқ байрамлари, тарихий саналар арафасида минглаб фахрийлар, ногирон ва эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиниб, уларга зарур ёрдამ кўрсатиляпти. Вақти-вақти билан сарҳадларимиз посбонлари ҳузурда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш аънамага айланган. Ҳар йили минглаб ваҳодотларимизни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз каби тарихий шаҳарларга саяхат қилдираяёмиз. Утган йилда 15 нафар иқтидорли талаба учун устама стипендия жорий қилиниб, ТерДУда таҳсил олаётган 6 нафар талабанинг шартнома тўлови амалга оширилди. Бу борада савобталаб ҳамкорларимиз, хусусан, саховатли тадбиркорлар мадади таҳсинга сазовор.

Жисмоний тарбия ва спорт орқали аҳолини соғломлаштиришда эришилган натижалар ҳам қувонарли. Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти айна пайтда

204 минг нафарга яқин аъзони бирлаштирган. Уларнинг 41,8 минг нафари касаба уюшмаларига қарашли спорт иншоотларида мунтазам шуғулланмоқда.

Шиддат билан ўзгараётган давр, тезкор амалга ошириляётган ислохотлар янада изиланиш ва ташаббускорликни тақозо этаёттир. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шaroитида 2008-2012 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури доирасида ўтган йили воҳамизда 3200 дан зиёд иш ўрни яратилганлиги вилоятнинг юксак салoҳиятидан дарак беради.

Абдукарим АХМЕДОВ,
Сурхондарё вилоят
касаба уюшма
ташкilotлари бирлашмаси
раиси

Сухбат

Касабақўм нуфузи

муаммолар учун энг яхши ечимдир

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашига 69 ташкilot бириккан. Улар орасида мамлакатимизнинг энг катта саноат корхоналари ҳисобланган Тошкент трактор заводи, «Оникс» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Фотон» агрегат заводи, бир қатор ўқув юртлари ҳам мавжуд. Уларда олиб бoриляётган ишлар билан яқиндан танишиш, етакчининг фаоллиги ва унинг олдида турган муаммолардан бохабар бўлиш мақсадида шаҳар кенгаши раиси Шоикром Исроилов билан суҳбатлашдик.

— Корхоналаримизда меҳнат муҳофазаси яхши йўлга қўйилган. Ҳисобот даврида ишлаб чиқаришдаги шикастлинишлар камайиши фикримизнинг далилидир.

Халқро Меҳнат ташкilotининг Ўзбекистондаги вакилиги билан биргаликда ТТЗда меҳнат муҳофазаси вакилларининг бир кунлик ўқув семинарини ўтказдик. Ўқув жараёнида меҳнатни муҳофазалаш бўйича халқро миқёсдаги ҳужжатлар ва соҳага доир муҳим маълумотлар тарқатилди.

Бундан ташқари, уч поғонали назорат доимий равишда олиб бoрилиши муҳофазанинг янада кучайишига хизмат қилмоқда.

— Ҳодимларнинг ҳуқуқий ҳимояси борасидаги ишлар қандай йўлга қўйилган?

— Мутахассисларимиз корхона-ташкilotларга чиқиб, турли мавзуларда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бoришади. Ҳодимларга керакли маслoҳатларни юзма-юз мулоқот-

лар жараёнида ҳам, турли муружаатларга жавоблар орқали ҳам бeриб бoришади. Ҳар бир муружаат чуқур таҳлил этилиб, чорак ва йиллик мониторинг олиб бoрилади. «Фуқароларнинг муружаатлари тўғрисида»ги Қонун талабларига қатъий амал қиламиз.

Бундан ташқари, ишдан ногиронлик нафақасига чиққанларга тўлов почта орқали бeрилиши йўлга қўйилган. Собиқ «Ўзбекишломаш»нинг 82 нафар ногирони ҳам бу имтиёздан фойдаланишляётган эди. Бироқ банк маъмурияти хизмат ҳақи сифатида уларнинг пулидан 7 фоиз олиб қоляётганлиги муружаатлар орқали маълум бўлди. Банк маъмурияти билан музокаралар натижасида мазкур ҳолатга чек қўйилди ва ногиронларнинг маблағи қайтарилшига эришдик.

— Маъмурият ва касаба уюшмаси. Кези келганда ҳамкор, бошқа вақтда эса зиддиятнинг икки кутби. Бу ҳолатда етакчининг

қайси хусусиятлари ходимлар манфаати устуңлигини белгиляди?

— Ўзим бошланғичдан чиққанман. Цехком, завод касаба уюшма етакчиси бўлдим. Кейин кенгашга раисликни ишониб топширишди. Заводларга борганимда касабақўм билан цехларда бирга айланаман. Бу ҳам синовнинг бир тури. Аввало, уни танишадими, ҳурмат қилишадими, шуни билгим келади. Шу вақт ичида бирор ходим келиб, у билан фикрлашадими, унга дардини айтмадими, дeмак бу жойда етакчининг обрўси, нуфузи йўқ. Баъзида «Шоикром ака, ҳеч қандай муаммо йўқ, шунинг учун...» деб изоҳлашмоқчи бўлишади. Бу гапга ҳеч қачон қўшилимайман. Ўнг ривожланган корхонада ҳам касаба уюшмаси учун айтилядиган гап, бирор савол ҳoдимда ҳаммиша бўлади.

Касаба уюшмаси раисининг ҳислатлари тўғра бўлиши керак. Шунда етакчи сифатида шакллана олади, ҳақиқий фидойи сифатида эътироф этилади. У, аввало, одамнинг дардини тушунадиган, малҳам бўлоладиган, суянса суянгудек бўлиши керак. Аъзоси бўладими ёки аъзо эмасми, ҳаммага ёрдამ қўлини узатиши лoзим. Унинг яна уч асосий ҳислати ақллиги, тингловчилиги ва бардорлиги билан боғлиқ, Ўнг муҳими, ҳар икки томонни ҳам тенг тутуши керак. Шундангина унинг нуфузи қўпгина муаммолар ечимига қалит бўлади.

Д. УСМОНОВА
суҳбатлашди.

Тадбир

Саховатпешалик



Байрамлар тантанадангина иборат бўлмай, бемор ва кексалар ҳолидан хабар олиш, муҳтожларга ёрдამ кўрсатиш сингари азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги ва Рамозон ҳайити муносабати билан Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида ўтказилган тадбир элимизга хос ана шундай саховатпешаликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Айни кунда 140 нафар фахрий истиқомат қиляётган мазкур пансионатда барча шарт-шaroит яратилган бўлиб, Марказий кенгашнинг байрам соғалари отахону онахонлар кўнглини тоғдек кўтарди.

— Эътибор учун касаба уюшмаларидан миннатдоримиз, — дейди Мирзааҳмад Отаев. — Утаётган ҳар бир осуда кунимизга шукрона айтиб, халқимизга тинчлик ва омонлик сўраб дуодамиз.

Шерзод АБДУСАМДОВ,
«Ishonch» муҳбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Ёшлар овози

Касаба уюшма ташкilotларининг ижтимоий шерикчилик тамойили асосидаги фаолияти таълим соҳасидаги самарадорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Буни биз таълим олаётган Андижон давлат тиллар педагогика институти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳамиша эътиборда

Ҳодимлар ва талаба ёшларнинг муаммолари маъмурият ҳамда касаба уюшмаси ҳамкорлигида ҳал этиб келинмоқда. Кейинги йилларда талабаларнинг яшаш ва ўқиш, ходимларнинг меҳнат шaroити яхшиланди. Замонавий ахборот ресурс маркази, сўнгги русумдаги ахборот технологиялари билан жиҳозланган 4 та лингафон, компьютер синфлари ташкил этилди. Барча қулайликларга эга спорт мажмуаси талабалар ихтиёрига топширилди. Маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари таъмирланди.

Шу ўринда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармок вилоят кенгашининг саховатли ишларини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Мана, икки йилдирки, Марказий кенгаш томонидан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва чин етим бўлган бир нафар талабанинг ўқиши учун тўлиқ, вилоят кенгаши томонидан кам таъминланган икки нафар талабага шартнома пулининг маълум қисми тўлаб бeрилмақда. Шунингдек, 15 нафардан ошқ талаба сыхатгоҳларда саломатлигини бепул мустаҳкамлади. Ҳар йили икки нафар иқтидорли талаба Марказий кенгашининг устам стипендияси билан рағбатлантирилмоқда.

Мадинахон
ЗУЛУНОВА,
Андижон давлат тиллар педагогика институту
талабаси

Ижтимоий ҳамкорлик

Меҳнат муҳофазаси ҳақида гап кетганда, касаба уюшма ташкilotлари қошида меҳнат муҳофазаси комиссиялари ҳамда жамоатчилик асосида сайланган вакиллар фаолиятини янада кучайтириш лoзимлиги қайта-қайта уқтирилади.

Яқинда Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилоят вакилиги томонидан ўтказилган ўқув семинарда ҳам ана шу масала атрофида кўриб чиқилди. Тадбирни Марказий кенгашнинг Тошкент вилоят вакили Мавжуда Халилова кириш сўзи билан очди.

— Бугунги семинарда тармоғимиздаги корхона ва ташкilotлар касаба уюшма қўмиталари раислари, бош муҳандис ўринбосарлари ҳамда муҳандислар, меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия раислари,

меҳнат муҳофазасида акс этсин

жамоатчилик асосида сайланган вакиллар иштирок этишляпти, — деди у. — Бу ўта долзарб вазифани кенгрок доирада кўриб чиқиш имконини беради.

Ийгилишда вилоят вакиллигининг меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассиси Собир Тўлаганов, республика «Саноаттехназорат» тармок инспекцияси бошлиғи Саъдулла Хусайнов, Халқро Меҳнат Ташкilotининг Ўзбекистон бўйича координатори Билол Юнусов, тармок касаба уюшмаси Марказий кенгашининг бош мутахассиси Шухрат Алимов, «Аммофос-Максам» очик акциядорлик жамияти меҳнат муҳофазаси бўйича бош муҳандис ўринбосари Мақсуд Маматов ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олди-

ни олиш ва бартараф этиш юзасидан мулоҳазаларини билдиришди. Омон Ортиқбоев, «Тошкент электр тармоқлари» очик акциядорлик жамиятининг меҳнат муҳофазаси бўйича бош муҳандис ўринбосари:

— Бизнинг соҳада ишчи-ҳодимлар билан уйнашиб бўлмайди. Бугунги ўқув семинари кўпгина янгиликлар берди. Мазкур йўналишда ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйсақ, аминманки, ишлаб чиқаришдаги кўнглисиз воқеалар сезиларли даражада камаяди.

Абдуносир Қаюмов, «Ўзбекқўмир» очик акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Бизнинг соҳада ишчи-ҳодимлар билан уйнашиб бўлмайди. Бугунги ўқув семинари кўпгина янгиликлар берди. Мазкур йўналишда ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйсақ, аминманки, ишлаб чиқаришдаги кўнглисиз воқеалар сезиларли даражада камаяди.

— Бахтга қарши, тизимимизда йил бошидан буюн учта бахтсиз ҳодиса рўй берди. Бунинг ўзидек меҳнат муҳофазаси соҳасида фаолиятимизда туб бурилиш ясаб зарурлигини кўрсатиб турибди. Шу боисдан ҳар ҳафтада мутахассисларимиз ўқувлар ўтказишляпти. Ҳар кун ишчи-хизматчилар махсус йўриқнома билан таништирилмоқда.

Яна бир аҳамиятли томони, меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги оид кўплаб бандлар жамоа шартномаларига киририлган ва бажарилиши қатъий назоратга олинган. Бугунги ўқув-семинар ҳам бундан буюнги фаолиятимизни янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Неъмат РАФИКОВ,
«Ishonch» муҳбири

Ўқув



ёғочи тушиб қолса, улар бета крор санъат асарига айланади. Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд ёғдорлик мажмуаларидан муносиб урин олган ўймакорлик намуналари М.Жўраевнинг меҳнат самарасидир. Наманган шаҳри марказидаги Нодир На-

Маҳмуджон Жўраев шу кунларда Президенти-мизнинг 2009 йил августдаги «Наманган шаҳри-ни 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига асосан шаҳарни ободонлаштиришга ҳисса қўшиш, хусусан, реконструкция қилинаётган Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи чойхоналари учун нақшкор сўрилар ясаш устида иш олиб бормоқда.



Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» мухбири

Ҳаққош

Бундан уч йил олдин хизмат юзасидан Тошкентга йўлим тушди. Таҳририятдан чиқаётган, шундоқ кўчанинг нариги томонида кетаётган Маҳмуджон Жўраевни кўриб қолдим. — Ассалому алайкум, уста, — дедим ортидан етиб олиб. — Катта шаҳарда мени таниганлар бор экан-да, — кулди устани кўлини узатаркан. — Шундай жойларда бизни эса олиб, пойтахтга чақиринди. Хунаримиз намуналаридан келтирилган сўрашди. Келтирилган нарсаларини олиб қолишди. Эртага кўргазмага кўйишаркан. Уста учун ич-ичимдан қувондим. Бошқалардан сира фарқ қилмайдиган Маҳмуджон Жўраев — Наманганнинг оддий хунармандларидан. — Истиклол биз учун бамисоли булут ортидан чиққан офтобдай бўлди,

— ҳикоя қилади уста. — Хунаримизни очиқ-ойдин қиладиган бўлди. Биз учун зарур барча шарт-шароит яратиб берилди. — Катта шаҳарда мени таниганлар бор экан-да, — кулди устани кўлини узатаркан. — Шундай жойларда бизни эса олиб, пойтахтга чақиринди. Хунаримиз намуналаридан келтирилган сўрашди. Келтирилган нарсаларини олиб қолишди. Эртага кўргазмага кўйишаркан. Уста учун ич-ичимдан қувондим. Бошқалардан сира фарқ қилмайдиган Маҳмуджон Жўраев — Наманганнинг оддий хунармандларидан. — Истиклол биз учун бамисоли булут ортидан чиққан офтобдай бўлди,

мангоний мақбрасига ишланган, Шарқ мейморчилигида алоҳида ўрин тутадиган панжарали эшик-ромлар ўзига хослиги билан зияратчиларда катта таассурот қолдирмоқда. У ўтган йиллар давомида бир неча бор «Ташаббус» кўрик-танлови ва бошқа турли кўргазмаларда иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритди. Президентимиз фармони билан 1999 йилда «Ўзбекистон халқ устаси» унвони билан тақдирланди.



Қамашни ифтихори

1. Операция ниятисига етди. Эшик очилиб, баланд бўйли, сочлари хиёл тўзиган, қотма дўхтир ташқарига чиқди ва хонаси томон йўналди. Беморнинг яқинларидан бири ийманибгина унга ақинлашди. — Отам яхшими, дўхтир? — Яхши, Худо хоҳласа, бир ҳафтада оёққа туриб кетади. Жавобини эшитиб ўғилнинг рангига қон югурди. — Аллоҳга шукр... Муқим ака уйга шошарди. У ҳурсанд эди. Яна бир инсонни оғир дарддан халос этди. Дарвоқе, яна йигирма дақиқадан сўнг футбол бошланади, ўзиям зўр уйинлар бўлапти-да... — Дўхтир ака, мана буни олиб кўйинг. Сизга атаган эдик. — Бу нима, ука? Муқим ака бегубор кулимсиради. — Ука, бугун тўртта операция қилдим, рости, чарчадим. Яхшиси, мени йўлдан қўйма. Пулни эса отанга сарфла, санаторийга олиб бор. Йигит унинг ортидан ажабиниб қараб қолди: «Ҳаляти одам экан, шунча ишни қилиб... Бошқа биров бўлганда...»

2. — Оилада ёлғиз ўғилман. Ота-онам меҳнаткаш, ҳокисор одамлар эди, — дейди Муқим ака. — Уларнинг ишонган тоғи-ма, боғи-ма мен эдим. Отам мени эркаламади, ишга ўргатди. Болалигим далада ўтди. Пахта тердим, галла ўрдим, ер қолдим. Онам Менгиш момо меҳр-оқибатли аёл эди, қишлоқдошларимни, табиати ардоқлашни, севишни шуригимга сингирди. Айниқса, Меҳкам момом мени еру кўкка ишонмас, доим ёнида олиб юрарди. Момом қушнот-табиб эди. Қашқадарё киргоқларидан, Қоратепадирларидан ўт-ўлан териб, дори тайёрларди. Хонасидан гиёҳ ҳиди аниқ туюларди. Уйимиздан одам ари-масди. Момомдаги зукколик, ширин сўзликлик, қўларнинг сеҳри мўнда шифокор бўлишга ҳавас уйотган бўлса ажаб эмас. — Беш ёшимдан мактабга қатнаб бошладим. Илк имлони раҳматли Саъдулла Раҳимовдан ўргандим. — Мактабни тугатиб шаҳарга отландим.

3. У йилларда ҳам ўқишга кириш осон бўлмаган. Шу боисдан Муқимжон ҳам тайёрлов гуруҳида ҳозирлик кўрди. Тенгдошлари Абдимурод, Хушвак, Жуманазарлар билан тиббиёт олийгоҳига кириб талаба бўлди. Дарвоқе, Муқимжоннинг дўсти Жуманазар Бекназаров бугунги кунда

4. — Икром ака ҳам шифокор экан-да?... — Ҳа, ўзи танлади, тиббиёт билимгоҳида таҳсил олди. Ўқини тугатиб, тўри Қамашига қайтди. Шифохонага ишга жойлашди. Узингникилар ичида бўлишга не етсин... — Умр беизн ўтавераркан... Адоғи йўқ ташвишлар инсон билан ёна-ён юраккан. Уй қуриш, тўй қилиш, рўзгор тебратиш, иш... Ана-мана дегунча уч ўғил, уч нафар қизли бўлди. Бугун эса йигирма набаирнинг бобомосимиз. Яратганга шукр, ҳаммаси яхши, — дейди Муқим ака ёнидаги набаирсини эркалар экан.

5. — Кексаларимиз «Касб — қўлингиздаги нақд олтин, ҳазина» дейишади. Сиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз? — Бу касбни қандай эгаллашингизга боғлиқ. Ахир шифокор инсон тақдирини ҳал қилади. Озгина кўзингиз толикдими, ё кўлингиз қалтирадими, ёхуд шунингизга шарпа ораладими, билангиз, иш чатоқ, беморнинг жони қил устида. Илм, амалиёт, шифокордаги журъат билан, бу — ҳаёт! Шунинг учун ҳам шифокор ўз устида кўпроқ ишлаши, жаҳон тиббиёти янгиликларидан хабардор бўлиб бориши шарт. — Умрингизнинг қирқ йиллини тиббиётга бағишласиз. Фўртга қараганда, хаёлингизга нималар келади?... — Юртдошларимни кўраман. Шулар ичида ўзимни ҳам... Вилоятимизнинг қайси гўшасига тўйганим ёки бошқа бир сабаб билан борсам, «Дўхтир бобо, бизникидан бир пиёла чой ичинг» каби лутфларни эшитаман. Чин юракдан айтилган сўз кўнгилни тоғдек юксалтиради. Ушанда ўзимдан кўнглим тўлади. Мен даволаган беморлар сонининг дўсти Жуманазар Бекназаров бугунги кунда

6. Муқим Уроқов ишлаётган жаррохлик бўлимига Қарши-ю Тошкентдан ҳамкасблари тез-тез келиб, тажриба алмашиб кетишади. Наботкор қўллари сабаб элнинг эркаси бўлди. Кимдир айтиди: «Шу Муқим Уроқовнинг салобати зўр, одам яқинлашишга ҳайкади». Бошқа биров эса тескари сўзлади: «Эй, кўйсанг-чи, Муқим ака, ўзимизнинг дўхтир, манманлик, кибру ҳаводан йироқ киши, бир гурунлашсанг, ошна бўлиб кетасан». Тошўлат махсум эса ишотли фикр айтиди. — Муқимни болаликдан биланман, кўнгли тоза йигит, айниқса, бева-бечораларга қўлидан келгунча кўмак беради, ўзим бир неча бор гувоҳ бўлганман. Йўлда эса Муқим аканинг синфдоши Эштемур бобо билан суҳбат қурдим. — Агар Муқимдан бошқа бўлганда, шаҳарнинг тўрт бурчагидан тўртта қаср қурган бўларди. Аслида отаси Уроқ бобо ҳам гурури, мол-дунёни назарига илмга одам эди, ўғил отадан ўзиб қаёққа борсин...

7. Ким билан суҳбатда бўлманг, Муқим Уроқов ҳақида фақат илқ сўзлайди. Туман соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси кенгашининг раиси Рашид Хайруллоев: — Акага гап йўқ, ажойиб инсон. Туманинг фахр-ифтихори, касбининг виждони. Барака топсин, шогирдлари Яхшибой Худоев, Кенжа Жўраев, Баҳодир Сиддиқов, Баҳром Эшмуродов ундан-да ўзиб кетишапти. — Сўхбатга ҳажачи адиб Турсунбой Боймуродов қўшилиб: — Муқим ака билан ўттиз йилдан бери қадрдоним. Бирга депутат бўлдиқ, «Шухрат» медалини олдиқ. Қанча тадбирлару мажлисларда ёна-ён ўтирдик. У кишининг қўлида доим янги газета ёки китоб кўраман. Дўхтирлар орасида иккита зўр «китобхўр» бор. Биринчиси қўли энгил шифокор Абрай Бекмуродов бўлса, иккинчиси Муқим ака. Уйда каттагина кутубхонаси ҳам бор.

8. Бир лаҳза ташқарига чиққан Муқим ака ҳовлиқиб қайтади: — Узр, оғайнлар, хизматчилик, тоғдан бир чўпонни олиб келишибди, аҳоли оғир эмиш. — У шовши чиқиб кетади. Биз ҳам ташқарилдик. — Тандиранон нон узаётган Икром ака охишта жимлайди: — Таътил ҳам таътил бўлди. Яна кетди, энди ярим тунда қайтади. Қирқ йилдан буюр ахвол шу... — Уролбой ҚОБИЛ, Қамашни тумани



Қаҳрамонларимиз Ридойиш

Хушхабарнинг қаноти бор, дейдилар. Шаҳрихонлик ўқитувчи Камолдин Ғопировга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилганлигини Андижон вилоят журналистлар ижодий уюшмаси раиси Назиржон Саидовдан эшитдик. Назиржон ака бу йил ҳам Андижон заминидан қаҳрамон чиққанидан жуда мамнун.

— Бу элда меҳнат қилган инсон борки, қадр топади, — дейди у. Шаҳрихон — Қува йўлининг ёқасида Назармаҳрам қишлоғида қўйилган 53-ихтисослаштирилган мактаб гавжум. Мактаб ҳовлисида қўйилган турли стендлар, фото-кўргазмалар илм маскани фаолиятдан ҳикоя қилади. Олий мукофот билан Камолдин Ғопировни табриклаш учун келатган дўст-ёрлар, шогирдлар, танишлар сафи тинмайди. Фурсат топиб, Қаҳрамонни суҳбатга тортдик. — Аввало, камтарона меҳнатимизни лойиқ қадрлаб, бизни шу унвонга лойиқ қўрган Президентимизга, ҳукуматимизга миннатдорчилик билдирмоқчиман, — дейди Камолдин ака. — Баркамол ав-

лод йилида ушбу мукофот билан тақдирланишим менга янада улкан масъулият юклайди. Бу ишончни оқлаш учун қўлимдан келган барча имкониятларни ишга солиб, мустақил юртимизнинг равақига, келажак учун етуқ кадрлар тайёрлашга интилаверамиз. Камолдин ака раҳбарлигида 2002 йилда ташкил топган ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиларининг эришаётган ютуқлари таҳсинга лойиқ. Мактаб жамоаси 2004 йил республика «Йил мактаби» кўриктанловида иккинчи ўринни эгаллаган эди. Илм масканидан 2003-2010 йиллар мобайнида вилоят фан олимпиадасида 106 нафар ўқувчи иштирок этиб, 29 нафари совриндор бўлди. Шу йиллар давомида мактабнинг 8 нафар ўқувчиси Д.Менделеев номидаги ёш кимё-

гарлар жаҳон олимпиадасида иштирок этди. Шу кунга қадар Камолдин ака томонидан 22 номдаги дарслик ва ўқитувчилар учун қўлланма чоп этилди. Домланинг ижод маҳсули неча бор «Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиётлари» республика танловида 1-даражали диплом билан тақдирланган. Унинг 5 фарзандидан икки нафари ўқитувчилик касбини танлаган. Кичик ўғли Дилмурод Фаргона политехника институти талабаси. К.Ғопиров 1992 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 2007 йил «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирланган эди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Ораста келин Ушанда 11-12 ёшлардаги бола эдим. Онам патир ўниб, меҳмонга отланди. Мен ҳам эгир кетидан эргашдим. Анчагина хотин-халаж йиғилди. Уртаорда ҳеч кимга гап бермай, ҳазил-мутойиба қилаётган нотаниш аёл чой кўйиб ўтирдик. Онам (раҳматли) пиёлани қўлига олган, узун қилиб тикилган кўйлагининг энги билан билинтиймайгина унинг бир чеккасини артиб, сўнгра чойдан хўплади. Дастурхонда турли таомдан бор эди, лекин онам тановул қилмасдан уйга қайтди. Уйда димлаб кетилган қанд лавлаги пишган бўлиб, унинг хушбўй ҳиди димоқни қитқиларди. Уртага дастурхон тортилди. Патир билан тоамдан еб туриб, онам биз фарзандларига тозалик, орасталик инсон учун жуда муҳимлигини, кир-чир, идиш-товоклари бесаранжом хонадондан фаришталар қочшини қайта-қайта тушунтирди. Орадан йиллар ўтиб, ўзим ҳам онам тушган ўша вазиятни бошдан кечирдим.

Узоқ амакиваччам бетоблигини эшитиб, ундан кўнгли сўрагани бордим. Хастадил укамнинг кўнгли кўтарилди, лекин унинг аҳолини, қатирмоқ бўлиб кетган дастурхонни, яғири чиққан кўрпа-ёстиқларни кўриб, таъбим хира тортиди. Келтирилган тарвуздан бир-икки тилим еб, ўзимни бўкқандек кўрсатишга уриндим ва баҳона қилиб очик ҳавога чиқдим. «Мана фарзандлари ҳам катта бўлиб қолишибди. Ушаларга айтиб орасталикни сақлаш мумкин-ку, ахир. Фаросат бўлмасда, қийин экан».

Баҳона Китоб кўтарган укаҳоним умумтаълим мактабларидан бирига раҳбар этиб тайинланди. Унинг иш услубини ақиндан билганим боис, табрик-тиллақларим орасида «Ука, ип ингичка ердан узилади. Энди бу ёғига сал эҳтиёткорроқ бўласиз-да», дея шайма қилишдан ўзини тийламадим. Орадан олти ойлар касалис вақт ўтиб, ўша укаҳон маслаҳатли иш борлигини айтиб қолди. Кўришдик ҳам. — Туппа-тузуқ ишлаб келаятгандим. Ғаним, фитначи, нияти бузуқлар ҳеч кун беришмапти. Устимдан юқори ташкилотларга шикоят билан чиқишганини эшитиб қолдим... — Нима деб ёзишибди? — Айтишга арзимайди. Икки маротаба жамоатчилик тадбири учун ходимлар олийк маошидан оз-оздан пул чегириб қолишга

Мансур ЗОИР

«Ибратли ҳикоялар» туркумидан

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Бош мухбирларимиз

хабар қилади

Бошланади

Ободлик кўнгилдан
Касби туманида кейинги йилларда кенг қўламли қурилиш ва ободончилик ишлари амалга ошириляпти. Бунда туман ободонлаштириш корхонаси ходимларининг ҳиссаси каттадир. Йил давомида туман марказида 20 мингга яқин мева ва манзарали даракт, юз минг тулдан зиёд гул кўчати ўтказилди. Мустақиллик кўчаси, Муғлон маҳалласи, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Косон — Қарши йўли атрофида яратилган гулзор ва хиббонлар кишининг хавасини келтиради. — Қарийб чорак асрдан бери тўқсон кишилик ободонлаштириш жамғармасига бошчилик

Гулмуродовнинг гуллари

қилиб келаётган Барот Гулмуродовни ободончилик жонкуяри сифатида вилоятда яхши билишди, — дейди агросаноат ходимлари касабаси туман кенгаши раиси Ботир Исломов. — Бир йил ичида туман марказида 213 квадрат метрдан ортиқ майдон ободонлаштирилди. Коммунал ободонлаштириш бошқармасининг маъмурий биноси гулзорлар ўртасидаги оқ кемага ўхшайди. Атиргулдан тортиб хинд настаринингача бор. Ўн беш сотих майдонда иссиқхона барпо этилган. Касби боғбонларининг етакчиси Барот ака ёлғиз эмас. Унинг Х.Ёкубова, Т.Хужақуллова, Ж.Шерназарова, М.Азимова,

«Мен ишли бўлдим...»

Бандлик Марғилон шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, Бандликка қилиш кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида энгил саноат ва педагогика касб-хунар коллежиди бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ушбу тадбирга 2009-2010 ўқув йилида касб-хунар коллежларини битирган 318 нафар ёшлар ташриф буюрди. Шаҳардаги мавжуд 81 та корхона, ташкилот, муассаса, хусусий ишлаб чиқариш фирмалари 936 та бўш иш ўрни билан Меҳнат байрамида битирувчилардан

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ



Болалигим — подшолигим

Аёллар фестивали

Баркамол авлод тарбиячиси бўлмиш аёлларнинг саломатлигини тиклашда спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис бўлса керак, кейинги йилларда спорт мусобақалари байрам тадбирларининг ажралмас қисмига айланмоқда.

Андижон вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорликда Мустақилликнинг 19 йиллиги муносабати билан «Аёллар спорт фестивали»ни ўтказишга қарор қилди. Андижон Олимпия захиралари

коллежи спорт мажмуаларида бўлиб ўтган мусобақаларда қатнашчилар волейбол, стритбол, энгил атлетика, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш, велоспорт бўйича ўзаро беллашди. 280 нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этган фестивалнинг очилиш маросими катта маданий тадбирга айланиб кетди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Н.Ёкубова давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган бир гуруҳ хотин-қизларни қутлади. Сўнгра вилоятда фаолият юритаётган акробатика, гимнастика, айқидо тўғарақлари ва санъат дасталарининг чиқишлари намойиш этилди. Спорт ўйинлари қизгин курашлар остида кечди. — Ушбу фестивалда 20 ёшдан катта аёллар иштирок этди. Кўплай спорт турларининг мусобақалардан жой олиши хотин-қизларимизга янги имкониятлар яратди, — дейди вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси раис ўринбосари Г.Абдуллаева. — Асосий мақсадимиз аёлларни соғломлаштириш ҳамда байрамона кайфият улаштириш. Фестивал голиб ва қатнашчилари фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Абдулхай ЮСУРОВ, «Ishonch» мухбири

Спорт

Термизда ўтадиган ЎзҚВФК соврини учун кураш бўйича республика мусобақаси олдидан

Полвонлар Термизга боришади

Жиззах Олимпия захиралари коллежининг мухташам саройида вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши соврини ҳамда республика мусобақасида қатнашиш учун саралаш мусобақаси бўлиб ўтди.

Воҳодаги ўн иккита касабаси уюшмаси тармоғида фаолият кўрсатаётган полвонлар ўзаро беллашиш учун гиламга тушишди. Кувоннарлиси шундаки, мусобақадан барча тармоқ касабаси уюшмаларидан ишчи-ходимлар вакиллари фаолият билан иштирок этишди. Айниқса, энгил, меҳнат саноати ва маънавий хизмат ходимлари, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва қурилиш ашёлари, автотранспорт ва йўл ҳўжалиги ходимлари касабаси уюшмаси тизимида-

гилар олқишга сазовор бўлишди. Полвонлар 66, 73, 81, 90, 100 килограмм ва ундан ортиқ вазнда беллашди. Қизиқарли баҳсларда ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси вилоят вакиллари Ихтиёр Муҳиддинов, Давлат Азизов, Жалол Муҳиддинов, таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши вакиллари Жаҳонгир Ашуров, Солижон Бобоев, Хусниддин Кубаев мутолқ

голиб деб топилиб, Сурхондарёда бўлиб ўтадиган республика мусобақасига йўлланма олишди. Зафарободлик халқ таълими фидоисини, спорт жонкуяри Юсуф Жонидилов «Энг фаол иштирокчи полвон» номинацияси совриндори бўлди. Голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. — Бугунги мусобақа вилоятимизда касабаси уюшмаси спортнинг кураш тури рағбат топиб бораётганидан далолатдир, — дейди вилоят КУТБ жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси М.Пардақулов. — Мақсадимиз ишчи-ходимлар, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишдир.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Олтинсойда семинар

Олтинсой туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида кўргазмали ўқув семинари бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги барча туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбарлари иштирок этди. Семинар қатнашчилари дастлаб Олтинсой саноат касб-хунар коллежи базасида ташкил этилган ишчиларни касбага ўргатиш ўқув курси фаолияти билан танишди. Тивув ҳақида қишлоқ ёшларининг касб бўйича иш ўрганаётгани, нон ва

нон маҳсулотлари, шунингдек, томат пастаси ишлаб чиқариш цехларидаги шарт-шароитлар барчада қизиқиш уйғотди. Айниқса, «EAST-WEST-SURXON» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида мевани қайта ишлаш жараёни ҳамда ишчиларга яратилган шарт-шароит семинар қатнашчиларига маъқул келди.

Ўрол БЕКМУРДОВ

Саҳнада — муаллим

Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши томонидан «Ватанимни кўйлайман» кўрик-танлови ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, мусиқа соҳаси бўйича танлов голиблигига Қораўзақ тумани 16-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси Д.Бозорбоева муносиб кўрилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти 2-босқич талабаси У.Алланязова ҳамда Шуманай тумани 23-мактаб ўқитувчиси Қ.Хўжаниязов эгаллади. Ҳаваскор кўшиқчилар ўртасида 1-ўрин Кегайли тумани 1-умумтаълим мактабидан Г.Қаллибековага, 2-ўрин Хўжайли тумани 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси А.Дошмуратова ва 3-ўрин Тахиятош шаҳар 9-мактаб ўқитувчиси П.Жулбановага насиб этди.

Голибларга Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси кенгашининг қимматбаҳо совға ҳамда дипломлари топширилди.

Қ. МИРЗАБОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Кузатув кенгашининг 29.08.2010 йилдаги 01-14/04-сонли йиғилиш қарори ва «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошқарувининг 02.09.2010 йилдаги 01-13/90-сонли йиғилиш қарорига асосан, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А-уйда сақланган, «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖга тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Дамас» русумли, д/р 10BA547 бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 527 652 сўм.
 2. «Дамас» русумли, д/р 10AQ057 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 527 652 сўм.
 3. «Тико» русумли, д/р 10AO230 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 815 000 сўм.
 4. «Тико» русумли, д/р 10AW297 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 097 965 сўм.
 5. «Тико» русумли, д/р 23AD767 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 500 000 сўм.
- Аукцион савдоси 2010 йил 11 октябр кунини соат 10:00да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2010 йил 11 октябрдаги аукцион

савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 21 ва 28 октябр кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Маъжур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

лан тузиладиган закатат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

Insonga naf keltirish
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AIIAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti
256-87-63
Huquq va xalqaro hayot
256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat
256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport
256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash
256-85-43
Reklama va e'lonlar
256-87-73

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
N.Maxamov
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yuzga olingan. Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma tobaq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Muallif fikr tahririyat nuqtai nazaridan foydalanishi mumkin.

Tijorat materiallari
Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.30
Byuroptma G — 851
11449 nusxada bosildi
ISSN 2010-502
2 3 4 5